Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 208 (21. 075) 1991 йил 26 октябрь, шанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ЁШ ИҚТИСОДЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ёш олимлар билан учрашуви пайти.
В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ёш иқтисодчи олимлар билан учрашувини қисқа қилиб, фойдали ва самарали учрашув деса бўлади. Бу учрашув 24 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, академия илмгоҳлари ва олий ўқув юртларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Республика Президенти мустақил Ўзбекистон ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий дастури ҳақида йиғилганларга батафсил гапириб берди, вужудга келаётган иқтисодий вазиятни таҳлил этди. Ўзбекистон ва бутун мамлакат турмушининг ҳозирги мураккаб даврида бутун халқ хўжалик маҳмуини барқарорлаштириш, одамлар турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик муаммолари биринчи ўринга чиқиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Республикалар ўртасидаги хўжалик алоқалари барбод бўлганлиги, бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида минтақаларнинг шароитлари жуда ҳар хил эканлиги ҳар бир мустақил республикани ўз иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқишга мажбур қилмоқда. Афсуски, мана шундай шароитга Ўзбекистон унчалик яхши аҳволда етиб келмади. Республика иқтисодиёти хом ашё етиштиришга мўлжалланганлиги, ишлаб чиқарувчи кучлар бир ёқлама ривожланганлиги унинг тараққиётига халақит бераётган катта тўсиқдир. Шу сабабли ҳозир беш-ўн йил ичида республикани сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқа оладиган аниқ иқтисодий дастурни ишлаб чиқиш зарур. Айни шу ишда ёш иқтисодчи олимларнинг билимлари, уларга хос серғайратлилик жуда асқотади.

Ўзбекистонда жуда кучли иқтисодиёт илмгоҳлари мавжуд бўлишига, академия даргоҳида бир неча мактаблар ва йўналишлар фаол ишлаб турганига қарамай, улардан кўнгилдагидек самара олинмаётганини республика Президенти таъкидлаб ўтди. Олимлар билан мутахассисларнинг ҳаракатларида ҳамжиҳатлик йўқлиги, аниқ мақсадни кўзловчи, мувофиқлаштирилган дастур ишлаб чиқилмаганлиги салбий таъсир қилмоқда. Мана шуларнинг оқибатида ҳамон мустақил Ўзбекистонни бозор иқтисодиёти изига кўчириш, уни жаҳон иқтисодиётига киритиш соҳасида ҳар томонлама пухта асосланган чуқур назарий ишланмалар йўқ.

Хўш, иқтисодчиларнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Бу соҳада бир неча вазифа турибди. Ички сиёсат стратегияси, яъни мамлакатнинг мустақил республикалари билан ўзаро манфаатли муносабат ўрнатиш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият масалалари асосий вазифалар жумласига киради.

Ҳақиқий иқтисодий мустақиллик бўлмаса, сиёсий мустақиллик ҳавойи шиорлардан бошқа нарса эмаслиги учрашувда таъкидлаб ўтилди. Шу сабабли ёш иқтисодчи олимлар республика анъаналари ва хусусиятларини ҳисобга оладиган, самарали ишлаб, республикани мушкул аҳволдан қутилтира оладиган Дастурни ишлаб чиқишлари лозим.

Хўш, бунга қандай йўллар билан эришса бўлади? И. А. Каримов ана шу жуда муҳим муаммога батафсил тўхталди. Унинг бу масаладаги фикри равшан: сифат жиҳатдан янги иқтисодий кўмакчи тармоқлар керак. Ўзбекистоннинг мустақиллиги унинг ўзини ўзи яккалаб қўйишини билдирмайди, аксинча, у барча республикалар ва хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик қилишга тайёр. Тўла иқтисодий эркинлик шароитида қаттиқ интизом ва тартиб — олға томон ҳаракат қилишнинг кафолатидир. Республика иқтисодиёти мафкурадан тўла-тўкис халос бўлмоғи керак, деб таъкидлади у.

Ўзбекистон Президенти ҳозирги иқтисодий аҳвол ҳақида, Ўзбекистоннинг бошқа мустақил республикалар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида гапириб, ишбилармонликка кенг йўл очиб қўядиган пайт келганини таъкидлади. Аммо бу масалада ҳам пухта ўйлаб, илмий асослаб иш тутмоқ зарур. Бу соҳада корхоналарни хусусийлаштириш синалган йўллардан биридир. Аммо ҳозирги пайтда республиканинг бутун саноатини хусусий кишилар қўлига топшириб бўладими? Бу ўринда қатъий қилиб «Ҳа!», деб бўлмайди. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган завод ва фабрикаларнинг кўпчилиги рақобатга бардошли маҳсулот чиқараётгани йўқ. Бинобарин, улар хусусийлаштирилса, синиши турган гап, бу эса ишсизликка олиб боради. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, республикада хорижий фирмалар ва компаниялар билан биргаликда қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам умидларимизни оқлаяптими? Йўқ, қўшма корхоналарни барпо этиш чоғида эркинликдан завқланиш кайфияти устунлик қилади. Бу эса, кўпинча, аниқ иқтисодий ҳисоб-китобни, истиқболни кўзлаб ишлашни унутишга олиб боради. Барпо этилаётган қўшма корхоналар фаолиятига баҳо беришнинг аниқ мезонларини белгилаш вақти келди.

Ҳозир Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти тузилмалари вужудга келтирилмоқда. Тижорат банклари, биржалар, воситачилик фирмалари шу жумлага киради. Бироқ, кишини ажабланти-радиган жойи шуки, мана шу тузилмаларнинг ўзида янги тоифа бюрократлар пайдо бўлиб қолмоқда. Улар республика учун ҳалол ва манфаатли ишбилармонликни юриштириб юборишга халақит бермоқда. Ишбилармонлик фаолиятининг барча турлари яшаш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланди. Бу соҳада солиқ солишнинг аниқ воситаси зарур, аммо мана шундай самарали восита ҳали ҳам ишлаб чиқилгани йўқ.

И. А. Каримов кадрлар тайёрлаш муаммосига батафсил тўхталди. Ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари ёшларга таълим берадиган асосий марказлар бўлиб қолиши керак, деб уқтирди у. Юқори курсларнинг энг яхши талабалари эса чет элларда уч-олти ой тажриба ўрганиб келишлари керак. Бу ишга бўладиган ҳаражатларни республика ўз зиммасига олади. Чет эллардаги етакчи иқтисодий марказларга фақат Тошкентдан эмас, Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан ҳам йигит-қизлар юборилдиган бўлади. Аммо бу ўринда ҳам ошнаоғайнигарчиликка йўл қўймай, танлаб олишнинг таъсирчан воситаси зарур. Республика олий ўқув юртларига етакчи чет эллик мутахассисларни таклиф қилиш менежерлар, маркетинг мутахассислари тайёрлашнинг бошқа бир шаклидир. Хуллас, ривожланган Ғарб мамлакатларида одат бўлган ишларни биз ҳам қилишимиз зарур.

Ўзбекистон Президенти нарх-наво сиёсатига йиғилиш аҳлининг диққат-эътиборини жалб қилди. Баъзи республикалар эркин нархларни дарҳол жорий қилишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Аммо бу усул ҳозирги пайтда Ўзбекистон учун мақбул эмас, деб таъкидлади у. Пахта толасининг нархига, уни сотиш тартибига келганда шуни айтиш керакки, муайян турдаги маҳсулотни олди-сотди қилиш билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган биржалар барпо этиш зарур.

И. А. Каримов ёш иқтисодчи олимларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг бир неча муқобил дастурини ишлаб чиқишга қарор қилинди. Улар синчиклаб кўриб чиқилиб, энг яхшиси танлаб олинади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

• Шу сонга хабар

ОДАМЛАРНИНГ ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ— ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Андижон вилоятига амалий ташриф буюрди.

У аэропортдан вилоят раҳбарлари ҳамроҳлигида дарҳол Андижон районининг Киров номли жамоа хўжалигига йўл олди, бу ерда қишлоқ аҳолисининг ҳаёти ва турмуши билан танишди, кичик корхоналар, кооперативларни, йирик бирлашмаларнинг бўлимларини барпо этиш йўли билан бекор аҳолини ишга жойлаштиришни ташкил этиш қандай бораётганини қизиқиб суриштирди. Президент маҳалла аҳолиси, оқсоқоллар, уруғ ва меҳнат фахрийлари билан учрашди, уларга республика раҳбариятининг ишлари ҳақида гапириб берди, кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарди.

Ленин районининг Бобур номли ва «Правда Востока» жамоа хўжаликларида ҳам қишлоқликлар билан шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Асака шаҳрида (собиқ Ленинскда) республика Президенти шаҳар фаоллари билан учрашди. Учрашув давомида шаҳарнинг, Ленин районининг аҳолиси зич жойлашганлиги билан боғлиқ бўлган ва аҳолини озиқ-овқат, ёқилғи, электр энергия билан узлуксиз таъминлашга тааллуқли жуда ўткир муаммолар муҳокама қилинди.

Тушдан кейин И. А. Каримов Жалолқудуқ районининг бир қанча хўжаликларига борди, Қўрғонтепадаги «Савай» шўро хўжалигида бўлди. Бу ерда пахта етиштиришнинг Исроилдан ўрганилган илғор технологияси муваффақиятли жорий этилаётганини кўздан кечирди. Жалолқудуқдаги «Ғалабанинг 30 йиллиги» жамоа хўжалигида республика Президентининг Хўжаобод, Қўрғонтепа ва Жалолқудуқ районлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш раҳбарлари, фаоллари ва илғорлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Республика Президентининг Андижон вилоятида бўлиши охирида вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шароитида халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалалар кўриб чиқилди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар билан яхшироқ таъминлаш имкониятлари ва аниқ йўллари, бозор иқтисодиётига ўтиш усуллари муҳокама қилинди.

Жойларда Президентнинг Фармонлари қандай бажарилаётганлиги ҳақида, аҳолини байналмиллалик руҳида тарбиялаш тўғрисида гапирилди, мана шу тарбия кўп миллатли республикамиз барча аҳолисининг осойишталигини таъминлашнинг омили эканлиги таъкидланди.

И. А. Каримов вилоят фаоллари йиғилишининг қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади. У йиғилиш аҳлини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Вилоят бўйлаб қилинган сафарда республика Президентига халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Қ. Ҳ. Холмирзаев ва вилоят ижроия комитетининг раиси Б. Т. Болтабоев ҳамроҳ бўлди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА «ОЗОДЛИК» ОБИДАСИ ҚУРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини бажариш учун ва республика жамоатчилигининг истакларини ҳисобга олиб қарор қабул қилди. Унда Мустақиллик майдонида қуриладиган «Озодлик» обидасининг энг яхши лойиҳаси учун 1991 йил октябридан 30 декабригача республика танловини ўтказиш, танловнинг дастури ва шартлари, шунингдек, танлов ҳайъати ва маслаҳатчилар кенгаши таркибини тасдиқлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига, Ўзбекистон Ёзувчилар, Меъморлар, Рассомлар уюшмаларига танловни юксак ташкилий ва ғоявий-бадиий даражада ўтказиш топширилди.

Ўзбекистон Молия вазирлигига белгиланган мукофотларни маблағ билан таъминлаш манбаини аниқлаш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитетига, ЎзТАГ, рўзномалар таҳририятларига танловнинг ўтказилиши, якуни ва «Озодлик» обидаси қурилишининг боришини ёритиш топширилди.

(Давоми учинчи бетда).

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 25 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

БУХОРО	0,66	109,56	0,44	84,56
ҚАШҚАДАРЁ	0,87	104,35	0,80	112,81
ФАРҒОНА	0,47	104,04	0,33	95,31
НАМАНГАН	1,21	100,10	1,03	105,67
ЖИЗЗАХ	0,91	100,01	1,03	122,01
Сурхондарё	1,25	99,24	0,67	104,66
Сирдарё	0,82	98,76	0,65	109,62
Андижон	1,10	95,60	1,10	103,13
Тошкент	1,10	93,09	0,97	101,59
Самарқанд	1,47	91,16	1,32	97,73
Хоразм	1,06	73,75	0,80	43,57
Қорақалпоғистон республикаси	1,16	72,10	0,91	69,46
Республика бўйича:	0,99	96,20	0,84	98,75

Шу жумладан, ингичка толали пахта:

Сурхондарё	1,40	100,22
Бухоро	3,16	97,51
Қашқадарё	1,17	97,18
Наманган	1,58	82,57
Андижон	0,51	34,28
Республика бўйича:	1,41	98,52

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ПЕШКУ РАЙОНИДАГИ «ЖОНГЕЛДИ» ДАВЛАТ НАСЛЧИЛИК КОРХОНАСИНИНГ АЛОҲИДА НАМУНА КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги муваффақиятлари ва жамият турмушидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар билан мукофотлансин:

«Хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»:

Дербисов Суйеубай — бош чўпон
Оспанов Совутбой — ферма бошқарувчиси
Тулегенов Турганбек — директор

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирлансин:

Раимқулов Тожибой — зоотехник
Тоғаев Шердурди Сотдурдиевич — бош чўпон
Утебоева Жумагул — бош чўпон

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил, 25 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

● Вазирлар Маҳкамаси деҳқончилик-саноат мажмуининг мажлиси бўлди, унда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва турмуш шароитини яхшилаш хусусидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва ҳукуматининг қарорлари қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди. Мажлисни Республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди.

Мазкур масала юзасидан республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Дон маҳсулотлари вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» ва «Узпишчепром» концернлари, шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки ва бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда қишлоқ аҳолиси турмушини меъёрий изга солиш, моддий аҳволини яхшилаш учун чинакам шарт-шароит яратиш мақсадида республика Президенти шу муҳим масалаларга доир 5 та Фармон чиқаргани, республика ҳукумати эса тегишли қарорлар қабул қилгани таъкидлаб ўтилди.

Республика деҳқончилик-саноат мажмуига кирадиган вазирликлар ва идоралар, барча даражадаги маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик идоралари шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Президентнинг 1991 йил 11 январдаги «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойда яшайдиган бошқа фуқаролар шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги Фармони ва республика ҳукуматининг мазкур масалага доир қарорига мувофиқ 2460,5 минг оила томорқа участкалари учун 289,6 минг гектар ер олди, шундан 121,9 минг гектари янги оилаларга ажратиб берилди. Республикада томорқа участкаларининг ўртача ҳажми 1989 йилдаги 0,12 гектардан 0,20 гектарга етди. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларида томорқа участкалари ҳажми 0,25 гектарни, Қорақалпоғистон Республикасида 0,29 гектарни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда бир қанча ҳолларда ер ажратиш тартиби бузилишига йўл қўйилмоқда, бу ишни тўғри ташкил этишга, ажратиб берилган ердан самарали фойдаланишга эътибор берилмаяпти.

Масалан, Термиз районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигида ҳали тузилмаган оилаларга 30 та ер участкаси ажратиб берилди, Денов районида ерлар ўлчаб кўрилганда 513 гектар ортиқча ер аниқланди, Ангор районида ажратиб берилган ер участкаларининг кўпидан фойдаланилмаяпти. Сирдарё, Жиззах, Бухоро ва бошқа вилоятларда ҳам шундай нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ижроия комитетлари, вазирликлар ва идоралар республика Президенти Фармонида хусусий секторда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва шу ҳисобдан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликни камайтириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг муҳимлигини тўла тушуниб етмаганликларини кўрсатиб турибди.

Республика Қишлоқ хўжалик вазирлигига, деҳқончилик-саноат мажмуидаги бошқа идораларга, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига ҳар бир жамоа ва давлат хўжалигида республика Президенти Фармони тўла ҳажмда бажарилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия комитетларига муҳтожларнинг ҳаммасига ер ажратиб бериш ишларини тугаллаш билан бир қаторда ҳар бир хўжаликда барча ер участкаларидан фойдаланишнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текширишни ташкил этиш, бўш ётган ерлар аниқланган тақдирда уларни қайтариб олиш ва муҳтож фуқаролар фойдасига қайта тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамоа ва давлат хўжаликлари томонидан аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларига бузоқ, қўзи-улоқ ва жўжалар сотиш масалалари юзасидан чиқарган 1990 йил 10 майдаги 5-сонли ва 1990 йил 25 октябрдаги 74-сонли фармонларини ҳамда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг шу масалаларга доир қарорларини бажариш юзасидан шу йилнинг тўққиз ойида жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари аҳолига 44,8 мингта бузоқ сотди, бу эса белгиланган топшириқнинг 95,5 фоизини ташкил этади, шунингдек, 34,2 мингта чўч-

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА КОМИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 118—4-моддасининг 2, 4-бандларига ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга, иқтисодий ҳамжамият тўғрисида 1991 йил 18 октябрдаги шартномага мувофиқ, шунингдек республикаларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, божхона хизмати фаолияти ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган божхона муассасалари негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган Ўзбекистон Республикаси Божхона комитети ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида республикада божхона хизматини ташкил этиш ва фаолияти бўйича тегишли қарор тайёрласин ва қабул қилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Божхона тўғрисидаги Қонуни қабул қилингунгача СССРнинг амалдаги божхона кодекси ва «Божхона тарифи тўғрисида» СССР Қонунининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган қисмига амал қилинади.

3. Белгилаб қўйилсинки, божхона божи ва божхона фаолиятидан олинадиган бошқа даромадлар Ўзбекистон Республикаси бюджети даромадига тушади.

4. Ушбу Фармон имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 25 октябрь.

ИЖТИМОИЙ СОҲАГА ЭЪТИБОР

24 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият мажмуида мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ижтимоий соҳа масалаларига оид Фармонлари бажарилишига бағишланган масала муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

(Мажлис тўғрисидаги ҳисобот рўзномада эълон қилинади).

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари—умумхалқ муҳокамасида

Узбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойи иш бошлайдиган кун тобора яқинлашмоқда. Бироқ партиянинг ўзи, Дастури ва Низоми лойиҳалари ҳақида бўлаётган мунозара ва муҳокамалар кучайса кучаяяпти-ю, аммо сира ҳам сусаяётгани йўқ. Жойлардаги ўзаро суҳбат ва йиғилишларда асосий мавзу ана шу йўналишда бормоқда. Меҳнаткашлардан келаётган кўплаб хатларда ҳам ушбу ҳужжатлар ҳақида билдирилган истак, таклиф ва мулоҳазалар ўз аксини топаётир. «Узбекистон овози» махсус мухбирлари Хоразм вилоятида ўтказган давра суҳбатида ҳам гап асосан ана шу ҳақда борди.

ХАЛҚ ДАРДИ— УНИНГ ДАРДИ

Т. ЯНГИБОЕВ, Урганч районидаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси: — Халқ-Демократик партиясига аъзолар сони эшитишимча анча кам бўлган. Бу ҳол шаҳар партия ташкилотини ташвишга солмаяптими?

К. САИДОВ: — Илгари шаҳарда собиқ Компартия аъзолари сони 6 минг кишидан ошарди. Шулардан уч минг киши янги партияга аъзо бўлиш истагини билдириб ариза ёзди. Биз собиқ коммунистлар билан суҳбатлашиб чиқдик. Улар партиянинг Дастури ва Низоми узил-кесил қурултой тасдиғидан ўтгандан кейин шунга қараб иш тутишларини билдирдилар. Яна бир гап: конференция бўлиб ўтгани билан собиқ коммунистларни партияга қабул қилиш тўхтатилди деган маънони билдирмайди. Конференция фақат шаҳар партия комитетини тузди, холос. Бундан кейин ҳам собиқ коммунистлар ва партия сафига кирмоқчи бўлган фуқароларга партиямиз эшиги ҳамиша очиқ.

Г. РЎЗМАТОВ, Шовот районидаги «Партия XIX съезди жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи:—Жуда тўғри гапирдингиз. Жамиятимизнинг энг илғор кишилари учун халқ манфаатини кўзлайдиган, шу йўналишда ҳатто ўз ҳаловатидан ҳам воз кечадиган одамлар учун партия эшиги доимо очиқ бўлиши керак. ХДП Дастури лойиҳасида соғлом тадбиркорлик ва ишбилармонликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўз аксини топгани дуруст бўлди. Чунки ишбилармонлик ва ташкилотчиликсиз ҳозир бирор тайинли иш қилиш қийин. Жамият ҳаётини ана шуларгина тўғри йўлга олиб чиқа олади.

Ж. КАРИМОВ, Шовот районидаги «Правда» жамоа хўжалиги қошидаги гиламчилик цехи бошлиғи: — Хўжалигингиздаги тадбиркорларнинг донғи бутун Шовотга тарқалган. Қўниқўшни барча хўжаликлар ҳам сизлардан ўрнак олишга ҳаракат қиляпти. Биз ҳам гилам цехи очдик. Ҳар ойда 25 та гилам тўқиляпти. Шойи тўқиш цехи ҳам қурмоқчимиз.

Г. РЎЗМАТОВ: — Тўғри айтдингиз, хўжалигимизда тадбиркорлар кўп. Ана шуларнинг, биринчи навбатда раисимиз Қўчқор ака Қуронбоевнинг ишбилармонлиги сабаб бўлиб, қишлоқда консерва заводи, гилам цехи қурилди. Шиша идишлари заводи ишга туширилиш арафасида. Навбатда пахта тозалаш заводи ва тўқимачилик фабрикасини қуриш режамиз ҳам бор. Хўжаликда 170 гектар боғ ҳосилга кирган. Меваси консерва заводида қайта ишланса, шиша идишлари заводида тайёрланган идишларга солиб истеъмолчига жўнатилса ёки ўз пахтамизнинг толасини ўзимизда чиқариб, тўқимачилик фабрикамизда тайёр мато ҳолига келтирилса нимаси ёмон бунинг? Биринчидан, хўжалик ҳар йили 20-30 миллион сўм даромад кўрса, қолаверса, ҳозирданоқ қишлоқларимизда ишсиз кишиларнинг ўзи қолмади. Мен ана шуларни эътиборга олиб, Дастур лойиҳасидаги IV бобнинг «Партия ерни» деб бошланадиган 7-сўзбошиси охирига қуйидаги жумлани киритишни таклиф қиламан: «...Республика аҳолисининг эҳтиёжини юқори даражада қондириш мақсадида қишлоқларда аграр саноатни ҳар томонлама ривожлантиришни, бу ишни акционерлик, кооператив ва хусусий корхоналар барпо этиш асосида олиб боришни, соғлом тадбиркорлик ва ташаббускорликни кучайтиришни қўллаб-қувватлайвераді».

Й. ЭГАМБЕРДИЕВ, Урганч районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси: — Гапингиз тўғрику-я, бироқ партиянинг хўжалик ишларига аралашиши сизларни ташвишлантирмаяптими? Ахир Компартиянинг дастурида ҳам асосий ўринни хўжалик ишларига раҳбарлик эгаллаган эди. Шу нарса партияни ҳокимликка олиб келди, халқнинг норозилигини туғдирди, пировард-натижада бор обрў-эътиборидан ажратиб қўйди. Яна ўша хаталарни такрорлашимиз шартми?

Қ. МАТСАФОЕВ, Шовот район кенгаши раисининг ўринбосари: — Ҳа, балли, Дастур лойиҳасида партия зиммасига кўп вазифалар юкланган. Ахир бир томондан партия ҳокимиятдан холи қилинади деб айтилса-ю, лекин иккинчи томондан бошқарувни унинг қўлига дастур билан қонуний қилиб тутқазиб қўйилса... Буни қандай тушунса бўлади?

Й. ЭГАМБЕРДИЕВ: — Менга қолса ХДП Дастури лойиҳасини жуда ҳам қисқартирган ва ундан партиянинг хўжалик ишларига доир аралашишларни бутунлай чиқариб ташлаган бўлардим. Дастурда ХДП парламент партияси деб аталди. Шундай экан, унинг бутун фаолиятини шу йўналишга буриб юбориш зарур. Ҳозиргина Комилжон Компартия собиқ аъзоларининг ярмигина ХДПга аъзо бўлиб кирганлигини айтди. Менимча, кишиларни чўчитиб турган жиҳат—Дастурда хўжалик ишлари билан боғлиқ вазифаларнинг асосий ўринни эгаллаганлиги ҳам бўлмоқда.

Т. ЯНГИБОЕВ: — Бунинг устига партия Низоми лойиҳасини синчиклаб ўқиб чиққудай бўлсангиз, Компартия Низомида барча қоидалар демократик централизм принципига бўйсундирилгани сингари, ушбу Низомда ҳам шу принцип қизил ип бўлиб ўтиб турганини тушуниб оласиз. Тўғри, Низомнинг ҳеч бир сатрида «централизм» деган сўзни учратмайсиз. Шундай бўлсада, бу фикр унга сингдириб юборилган. Яқинда илгари партиясиз бўлиб келган, аммо ХДПга аъзо бўлиш учун ариза топширган бригада бошлиғи Маткурбон Оллоберганов билан суҳбатлашганимда у «Партия ўзидан аввалги ўтмишдошлари сингари ҳокимликни даъво қилмайдими, бюрократлашиб кетмайдими, буйруқбозлик билан шуғулланмайдими?» деган саволни берди. Хўжалигимиздаги 158 собиқ коммунистдан 38 киши партиянинг фаолиятига қараб «тош қўйиш» учун кутиб туриш истагини билдиргани заминида ҳам асосан ана шундай ҳадиксираш ётибди. Тўғри, партия ташкилоти кишилар билан суҳбатлашиб, тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Аммо биз ҳам ўз навбатида одамларни тўғри тушунишимиз керак. Ахир уларнинг юрак олдириб қўйганликларига собиқ партиянинг бутун иллатлари сабаб бўлди-да.

Қ. АВАЗОВ, Янгибозор районидаги «Маданият» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби:— Шунинг учун ҳам ХДП Дастури ва Низомида ўтмиш партия иш хусусиятига доир бирор қайтариқ бўлмаслиги зарур. Менимча, ҳозиргина айтилганидек Дастур ва Низомни ихчамлаштириш керак. Аммо ишлаб чиқариш билан боғлиқ жиҳатларни аниқ, лўнда қилиб ёзиш лозим. Партия хўжалик ишларини олиб боришдаги энг яхши тажрибаларни оммалаштиришга, ташвиқот-тарғибот соҳаларида раҳбариятга ёрдам беришга даъват этилган.

К. САИДОВ: — Тўғри, Дастурнинг ҳажми катта. Уни охиригача ўқиб етгунча олдинги сўз бошилари эсдан чиқиб кетади. Демак, уни иложи борича қисқартириш лозим. Энди партиянинг хўжалик ишлари билан боғлиқлиги ҳақида. Уни бу соҳага аралаштирмаслик учун нима қилиш керак? Аввало, партия аппаратини энг сўнгги чегарачага қисқартириб, аппарат ходимларини иш билан «кўмиб» ташлаш зарур. Токи, улар фақат ўз юмушлари билан шуғулланадиган бўлсинлар. Шундай қилинса, партия ходимлари ишхонада қолиб кетмай, одамлар ҳузурига ҳам борадилар, уларнинг халқ билан алоқалари узилиб қолмайди.

Қ. МАТСАФОЕВ — Халқимиз азалдан камтарликни ёқтиради. Партия ҳам шунга риоя этиб, ўтмишдоши рўжу қўйган дабдабабозликдан воз кечса, дуруст бўларди.

Қ. АВАЗОВ: — Масалан?

Қ. МАТСАФОЕВ: — Қайси район, вилоят партия қўмитасига борманг, у ўша ердаги энг кўркам бинони банд қилган. Партия қўмиталари ана шу бинолардан воз кечиб, уни халқ учун зарур бўлган соҳаларга топшириб, ихчамроқ бир неча хонага жойлашса ҳам бўлади-ку! Энди у ўзини дабдаба билан эмас, амалий иши билан элга кўрсатса, халқ ҳам унинг ҳақиқатан катта ишларга қодир эканлигига ишонади. Мен район партия қўмиталарида узоғи билан беш ходим, вилоят партия қўмиталарида эса ўн одам ишлаши зарур, деб ҳисоблайман.

Т. ЯНГИБОЕВ: — Мени яна бир муаммо ўйлантиряпти. Ҳар бир хўжаликда, корхона ва ташкилотда Халқ-Демократик партиясининг бошланғич ташкилоти тузилди. Эрта-индин «Эрк» демократик партияси ҳам ўз асосларини тузишга киришади. Бошқа янги партиялар ҳам шу ишга киришадилар. Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди, деган гап бор халқимизда. Ҳар бир партия ташкилоти ўзининг ҳақлигини, ҳаётийлигини, халқпарварлигини исботлаш учун ҳаракат қилиши тайин. Кейинчи, кейин нима бўлади? Эҳтиросларнинг кучайиб, сиёсий курашларга айланиб кетмайди, деб ким кафолат бера олади? Ана шу курашлар сабабли асосий иш бир ёқда қолиб кетиб, Россиянинг шаҳар ва қишлоқларида бўлгани сингари митингбозликлар, ҳар хил талашиб-тортишувлар авжига чиқмайдими? Шундай бўлишининг олдини олиш учун бошланғич партия ташкилотларини ишлаб чиқариш жойларида эмас, балки аҳоли истиқомат жойларида ташкил этган маъқул бўлмасмикан? Бундан ташқари маҳаллаларда ҳудудий ташкилотлар тузилса таълим-тарбия билан шуғулланиш ҳам осон кечарди.

Қ. МАТСАФОЕВ: — Унда партияга қабул қандай кечади? Қишлоқларда-ку ҳамма бир-бирини яхши билади, бироқ шаҳарларда, айниқса кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар ўзидан наридаги «домда» яшайдиган одамларни бутунлай танимайдилар-ку?

Т. ЯНГИБОЕВ: — Партия ташкилотлари рисоладагидай иш олиб борса, нотаниш кишиларнинг ҳам бошини бир ерда қовуштиради. Шу жойда истиқомат қилаётган халқ ҳам бир-бирини яхши танийдиган, ўзаро яқинлашадиган бўлиб қолади.

Қ. АВАЗОВ: — Менимча, Низом лойиҳасидаги баъзи моддаларга ҳам тузатишлар киритиш зарур. Масалан, партияга ариза берган одамларни қабул қилаверадиган ёки осонлик билан чиқараверадиган бўлсак, партиянинг обрў-эътибори қоладими? Мен партия сафига кирувчи ўзи билан бирга камида икки йил ишлаган ва ўзини яхши биладиган партия аъзоларидан тавсияномa олиши, учинчи тавсияномани эса унга бирга ишлайдиган жамоа бериши лозим, деб биламан. Аъзолик бадалига ҳам аниқлик киритиш зарур. Низом лойиҳасида «умумий даромаднинг камида бир фоизи миқдорида тўлайди», деган жумладаги «камида» сўзини олиб ташлаб, «бир фоизи» қилиб аниқ кўрсатилса, маъқул бўларди.

Й. ЭГАМБЕРДИЕВ: — Тунов куни бўлиб ўтган партия йиғилишида бир эмас, бир неча киши «Халқ-Демократик партияси социалистик ғояга содиқ қоладими ёки социалистик ғоядан, социалистик жамият қуришдан воз кечадими?» деган саволни қатъий қилиб қўйдилар. Бундай саволларни бошқа жойларда ҳам эшитяпмиз. Дастур лойиҳасида эса бу ҳақда ҳеч нарса айтилмаган. Шу сабабли таъсис қурултойи кўпчилик кутаётган ана шу саволга ҳам аниқ жавоб берса айни муддао бўларди.

Давра суҳбатида Халқ-Демократик партияси, унинг Дастури ва Низоми қандай бўлиши кераклиги ҳақида бошқа жуда кўп истак, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Улар партия халқ-демократик анъаналарига, умуминсоний қадриятларга, ахлоқ ва инсонпарварлик принципларига асосланиб, меҳнат аҳлининг манфаатларини чуқур ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган партия бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

Р. ТУРСУНОВ,
А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ

ҚАЧОН ВАЪДАДАН НАРИГА ЎТАСИЗ?

Биз, Низомиддин Хўжаев ҳамда Зиё Саид кўчаларидаги 26 та коттежда истиқомат қилувчилар чорак асрдан буён бирор марта ҳам жорий ремонт қилинмаган ёғоч (фин) уйларида яшаймиз. Бу уйларни бизга 1966 йилги зилзиладан кейин Октябрь турар жой мавзесида қуриб беришганди. Ҳозирги кунда уйларимизнинг тахталари ва поли чириб кетган. Шифер, томлари эса тешилиб, чакка ўтмоқда. Сув иситгичларню, газ плиталари ҳам хизмат муддатини аллақачон ўтаб бўлди.

Кейинги йилларда бу уйларнинг ремонти масаласида бормаган идорамиз, ёзмаган жойимиз қолмади. 1991 йил 4 февралда Акмал Икромов район ижроия қўмитаси ва шаҳар уй-жой бошқармаси раҳбарлари иштирокида ойнаи жаҳон орқали ўтказилган бевосита мулоқот кўрсатувига, биз, шу кўчада яшовчилар ҳам савол бергандик, «Бизга ремонтга муҳтож уйлар номерларини ёзиб бersангиз, масалани қисқа муддатда ҳал қилиб берамиз», деган жавоб бўлганди. Кўрсатувдан сўнг беш кун ўтгач, биз уй номерларини ёзиб, 56-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига ёзма равишда мурожаат қилдик. Шунга ҳам саккиз ой бўлди, ҳанузгача бирор натижа йўқ.

Кейинчалик, мен июль ойида бир неча марта райижроқўмга бориб, Бахтиёр Раҳмоновга учрашгандим. У кишининг ўзидан ҳам ўтиб, ремонтга ҳамма ишларни ўзим бажаришим ва ҳеч бир ҳужжатсиз, ҳеч бир ҳисобсиз, ҳеч бир ҳисоботсиз, ҳеч бир ҳисобкитобсиз, ҳеч бир ҳисобчисиз, ҳеч бир ҳисобчисиз, ҳеч бир ҳисобчис

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қа боласи, 9757,2 мингта жўжа сотилди.

Шу йилнинг бошидан буён шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги чорва моллар ва паррандалар учун 555 минг тонна пичан, 64,0 минг тонна беда сотилди, давлат ресурслари ҳисобидан 140 минг тонна кунжара, 83 минг тонна чигит пўстлоғи, 288 минг тонна омухта ем сотилди. Бу эса 1991 йилнинг январь—октябрь ойлари давомида аҳолидан ўтган йилдагига нисбатан 5 минг тонна кўп, яъни 20,5 минг тонна сут тайёрланди, бу ўтган йилдагидан 14 минг тонна кўп.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида аҳолига қорамол сотишда қолоқликка йўл қўйилди, бу ерда кўрсаткичлар республикадаги ўртача кўрсаткичдан кам бўлиб, белгиланган ҳажмнинг 43—88 фоизини ташкил этади. Бу ишда чорва моллар ва паррандаларни, ем-хашакни сотиш топшириқларини ҳамма хўжаликларнинг бажариши, вилоят, райондаги умумий кўрсаткичлар яхши бўлгани ҳолда кўпгина хўжаликларнинг белгиланган топшириқни барбод қилишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир.

Аҳоли хўжаликларидаги чорва моллар ва паррандаларга зооветеринария хизматини яхшилаш юзасидан бир қанча аниқ ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. 735 та зооветеринария пункти ташкил этилди ва иш бошлади. Бироқ Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида бу муҳим масалага етарли эътибор берилмаяпти, оқибатда топшириқларнинг ярми ҳам бажарилмай қолди.

Мазкур фармонларни бажариш хусусида аниқланган интизомсизлик ва масъулиятсизлик ҳолларини вилоят ижроия комитетларида, Қишлоқ хўжалик вазирлигида, Вазирлар Маҳкамасининг деҳқончилик- саноат мажмуида танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқишга қарор қилинди.

Республика Президентининг 1991 йил 31 майдаги «Республика аҳолисини озиқ-овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги Фармонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага доир қарорига мувофиқ қишлоқ аҳолисига 227,5 минг тонна озиқ-овқат учун ишлатиладиган дон (буғдой) сотилиб, топшириқ 103 фоиз бажарилди. Ҳар бир оила ўртача 102 килограмм буғдой олди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги жамоа хўжаликлари ҳамда давлат хўжаликлари топшириқни атиги 29 ва 71 фоиз бажардилар. Топшириқнинг қолган қисмини шоли ҳисобидан бажариш тавсия этилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги бу ишни назорат остига олиши керак. Шахсий томорқа хўжаликлари эгаларининг уюшмаси ва унинг жойлардаги идоралари **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 18 март Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан** аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликлари моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга ажратилган пулни ўзлаштириш юзасидан бир қанча ташкилий ва амалий чораларни кўрдилар.

Шу билан бир вақтда Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари республика Президентининг шу масалага доир Фармонини амалга оширишда сусткашлик қилмоқдалар, ажратилган маблағдан фойдаланишнинг аниқ йўналишлари белгиланмаган, бу эса аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда шахсий хўжаликлар ролини ва аҳамиятини ошириш ишига тўсқинлик қилмоқда.

Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмасига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигига, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоят ижроия комитетларига уюшманинг моддий техникавий базасини яратиш ва мустаҳкамлаш, унинг ўз оборот маблағларини вужудга келтириш, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларига аниқ мақсадни кўзлаб қарз ажратиш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш, кундалик ишда уларга алоҳида аҳамият бериш таклиф этилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорда республика деҳқончилик-саноат мажмуи вазирликлари ва идораларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ижроия комитетларининг Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажаришдаги кечикишини бартараф этиш юзасидан топшириқлар белгиланди, бу ишларни тугаллашнинг аниқ муддатлари кўрсатиб берилди.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА «ОЗОДЛИК» ОБИДАСИ ҚУРИЛАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Мустақиллик майдонидаги «Озодлик» обидасининг чизма лойиҳаси — концепциясини ишлаш учун

ОЧИҚ ТАНЛОВ ДАСТУРИ ВА ШАРТЛАРИ

Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармонига мувофиқ ва республика жамоатчилигининг Тошкентда В. И. Ленин майдонини Мустақиллик майдони деб ўзгартириш ҳақидаги кўп сонли хоҳиш-истакларни ҳисобга олиб, бу майдонда «Озодлик» обидасини ўрнатишга қарор қилинган.

Обидани қуриш учун ҳозирги майдон чегарасидан жой танланиши лозим.

Обидани майдоннинг қаерига жойлаштириш — танловда қатнашадиган муаллифлар ихтиёрига ҳавола этилади.

Ушбу танловни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва обидани қуриш учун Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ер ажратиш тўғрисидаги қарори асос ҳисобланади.

Танловни ўтказувчилар:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси ва Рассомлар уюшмаси.

Танловнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги, унинг кўп асрли маданияти ва миллий анъаналари мавзуини монументал санъат ва меъморчилик воситасида намоён этиш.

Меъморий ва монументал ечимдаги лойиҳавий таклифлар «Озодлик» обидасини яратиш ғоясининг майдондаги меъморий-қурилиш мажмуи билан уйғунлашган бўлиши, жой қиёфаси, дендрология вазиятига мос келиши керак.

Танлов шартлари

1. Танлов 1991 йилнинг октябридан 31 декабрига қадар ўтказилади.

2. Танловда қатнашишга меъморлар, ҳайкалтарошларнинг ижодий жамоалари ва барча хоҳловчилар таклиф этилади.

3. Бошланғич манбалар:

Ушбу дастур;

Масштаби 1:1000 бўлган бош режадан олинган кўчирма нусха;

жойнинг топографик съемкаси, унга масштаби 1:500 бўлган қизил белгили режа илова қилинган.

Тузиладиган лойиҳа таркиби

Танловнинг лойиҳавий материаллари эркин чизмада 1х1 планшетда тақдим этилади.

1. Майдоннинг 1:500 масштабдаги бош режаси.

2. Фасад, планлар, кесмалар ва истиқбол 1:50; 1:25 масштабда берилади.

3. Обида модели 1:25 масштабда берилади (моделнинг энг катта ўлчами 1 м дан ошмаслиги керак).

4. Тушунтирув хати.

5. Фотоальбом (оқ-қора).

Муаллифларнинг хоҳишига кўра қўшимча материаллар берилиши мумкин.

Танлов материаллари тўла ҳолда 1991 йил 30 декабрь соат 18 гача қуйидаги манзилга топширилиши зарур:

Тошкент, М-1, Пушкин кўчаси, 7, Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси.

Бошқа шаҳарликлар учун кўрсатилган вақт почта квитанциясидаги муддат ҳисобланади.

Кўрсатилган муддатдан кейин топширилган лойиҳалар муҳокамага қўйилмайди.

Танлов иштирокчиларини мукофотлаш

Энг яхши лойиҳавий таклифлар учун қуйидаги мукофотлар белгиланган:

Битта биринчи мукофот 10000 сўм

Битта иккинчи мукофот 7500 сўм

Иккита учинчи мукофот 5000 сўмдан

Учта рағбатлантирувчи мукофот 2500 сўмдан

Танлов ғолиби лойиҳани ҳаётга жорий этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Танлов дастури ва шартларига жавоб бермайдиган лойиҳалар, шунингдек муддат ўтгандан кейин топширилган лойиҳалар танлов ҳакамлиги томонидан кўриб чиқилмайди.

1992 йилнинг 10 январидан 25 январигача Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси залида жамоатчилик муҳокамаси учун танлов лойиҳаларининг кўргазмаси бўлади.

Танлов якунлари ҳақидаги қарор 1992 йилнинг 1 февралигача қабул қилинади.

Танлов натижалари республика матбуотида ва телекўрсатув орқали эълон қилинади.

ИЛҒОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Республика автомобиль транспортининг 70 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1991 йил 25 октябрь Фармонига биноан шу тармоқнинг бир гуруҳ илғор ходимлари республиканинг Фахрий ёрлиқлари ва фахрий унвонларига сазовор бўлдилар (Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномасида тўла эълон қилинади).

Эшитмадим, деманглар

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ДОВОН ОШИБ

ҚАМАШИ РАЙОНИ пахтакорлари давлат қабул пунктларига 35 минг тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик режани ошириб адо этдилар. 20 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Қўлга киритилган муваффақиятда Ленин номли, «Партия XXIII съезди» жамоа хўжаликлари, Охунбобоев номли, «Фарғона», Гагарин номли давлат хўжаликлари заршунослари катта ҳисса қўшдилар.

Қамашилик деҳқонлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна давлатга уч минг тонна пахта топшириш, ялпи хирмонни 38 минг тоннага етказиш учун йиғим-теримни давом эттирмоқдалар.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Республикамизда жами узунлиги 141,8 минг километр келадиган 3159 та маршрут бўйлаб автобуслар одамларни турли манзилларга элтиб қўймоқда. Аҳолига 70 хилдан зиёд транспорт-экспедиция хизмати кўрсатилаётир.

Бу далиллар пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Давлат академик катта театрида Ўзбекистон автомобиль транспортининг 70 йиллигига бағишланиб ўтказилган тантанали йиғилишида тилга олинди. Ўзбекистон автомобиль транспорти вазири Л. А. Ахметов маъруза қилди.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари П. Нўъмонов қатнашди.

АМЕРИКАЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР САМАРҚАНДДА

Американинг Эй-Би-Си Ньюз телекомпанияси журналистларидан бир гуруҳи Самарқандга келдилар. Улар қадимий шаҳар тўғрисида махсус кўрсатув тайёрлашади.

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганидан сўнг амалга оширилаётган адбирлар билан яқиндан танишиш истаги американлик тележурналистларда жуда кучли. Меҳмонлар қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри ҳаётини лентага туширишмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗДА

КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти М. Горбачев республикаларо хавфсизлик хизматини мувофиқлаштириш кенгаши тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

СССР Президентининг 1991 йил 11 сентябрдаги Фармони билан тузилган СССР Давлат хавфсизлигини мувофиқлаштириш кенгаши Республикаларо хавфсизлик хизматини мувофиқлаштириш кенгашига айлантирилди.

ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ

Қардош Тожикистоннинг Конибодом шаҳрида 54 мингдан зиёд ўзбеклар истиқомат қилади. Бу шаҳарда ўзбек маданият маркази очилди.

Янги бирлашма уларга ўзбек халқининг маданияти ва санъати бойликларидан баҳраманд бўлишга, ватандошлари билан учрашишга имкон беради.

ХОРИЖДА

ЯҚИН ШАРҚ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАБ

Оқ уй расмий вакили Яқин Шарқ юзасидан ўтказилажак сулх конференциясига таклиф этилган барча томонлар унда қатнашишга розилик берганликларини маълум қилди.

АҚШ билан СССР ташкилотчилари бўлган бу анжуманда Исроил, Сурия, Ливан, Иордания, Миср ва Фаластинликлар иштирок этишади. Фаластинликлар Иордания билан биргаликда ягона делегация тузишади.

ВАКОЛАТХОНАЛАР ОЧИШ РЕЖАСИ

Лондонда чиқадиган «Таймс» рўзномасида хабар қилинишича, Буюк Британия билан Германия мустақил Совет республикаларидаги сиёсат ва савдо-саноат доиралари билан алоқаларни ривожлантиришни режалаштирмоқдалар.

Айни чоғда Ғарбнинг СССРга бераётган техника ёрдамини мувофиқлаштириш учун бу республикаларда қўшма дипломатия ваколатхоналарини очиш ҳам мўлжалланяпти.

(«Ўзбекистон овози», ЎзТАГ ва ТАСС муҳбирлари хабарлари асосида).

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

28 октябрь—3 ноябрь

Ҳар куни

● 8.25 да **«Соғлом бўлай десангиз»** (шанба ва якшанбадан ташқари ЎзТВ I).

● 18.00 да **Янгиликлар** (ЎзТВ I).

● 19.30 да рус тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ I).

● 21.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси (ЎзТВ I).

● 6.00 да **«Тонг»** Ахборот-мусиқий кўрсатуви (МТ—Орбита IV).

● 12.30 да **ТСН** (шанба ва якшанбадан ташқари), 15.30 да (ҳар куни МТ—Орбита IV).

● 21.30 да **Информацион программа.** (ЎзТВII, МТ—Орбита IV программаларида).

28, душанба

● ЎзТВ I

18.10 Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Изланиш». 19.00 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. 19.50 «Самарқанд». Манзарали фильм. 20.00 «Фармон ва ижро». 21.25 «Оила». 22.25 «Фаввора». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 «Халқ манфаатини кўзлаб». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.25 «Москва бўйлаб саёҳат». Телефильм. 20.45 «Узингни эр билсанг...». 22.10 «Кинонигоҳ».

● МТ—«Орбита IV»

9.35 Мультфильм. 10.15 «Янги авлод танлайди». 11.30 «Рус қўшиғи». Телефильм. 11.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Ўргимчак ва фил» (Кот д, ивуар). 12.00 Футбол шарҳи. 12.50 «Оперетта, оперетта». 13.50 «Ишбилармон киши». 14.55 «Қуруқ эътиқоддан фойда йўқ». СССР халқ депутати К. Лубенченконинг хотиб М. Маргулис билан суҳбати (АҚШ). 15.45 «Бу бўлган, бўлганди...». 16.10 «Минотавр ҳузурига ташриф». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 17.25 Болалар соати. 18.25 «Бозор: танлаш даври». 18.55 «Ён дафтар». 19.00 ТСН. 19.15 «Қизиқувчилар олами». 19.30 «Иностранная литература». 1992 йилда». 11.40 Футбол шарҳи. 20.10 «Мусиқа сабоқлари». Фильм-спектакль премьераси. 22.10 «Мусиқа сабоқлари». Фильм-спектаклнинг давоми. 23.10 Муаллифлар ойнаижаҳони. «Доира». Бадиий публицистик фильм. 1-серия. 00.05 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон. 00.20 Муаллифлар ойнаижаҳони. «Сўнгги қий-чув». 01.20 «Санамлар». Наталья Гулькина ва «Звезди» гуруҳи. 01.50 «Куни унутилган хотира». Телевизион бадиий фильм.

29, сешанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Ўсмирлар қоинотда». Бадиий фильм. 9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».

18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Фармон ва ижро», 19.50 «Хонатлас». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.00 «Хорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт. 21.25 «Спортлото». 21.30 «Ижод саҳифалари». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим таваллудининг 75 йиллигига бағишланган адабий кеча. 22.30 «Мерос». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Ўқув кўрсатувлари

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Мультфильм. 18.40 «Ягона оилада». 19.30 «Жиддий ўйинлар». Телефильм. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 Мусиқий жилолар. 20.40 «Средаз-электроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида очерк. 21.15 Кинолавҳа. 22.10 «Ўзбекистон киносаёҳатчилар уюшмаси — бизнинг меҳмонимиз».

● МТ—«Орбита IV»

9.35 Мультфильм. 9.55 Болалар соати. 10.55 «Мусиқа сабоқлари». Фильм-спектакль. 12.15 Биржа янгиликлари. 12.45 «Мусиқа сабоқлари». Фильм-спектаклнинг давоми. 13.50 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 14.40 «Телемикст». 15.40 «Ёшлигимизнинг спорт санамлари». Л. Латинина. 16.00 «Минотавр ҳузурига ташриф». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.10 «Чемпионлар билан биргаликда». 17.25 «Болалар мусиқий клуби». 18.10 «Қизиқувчилар олами». 18.55 «Ён дафтар». 19.00 ТСН. 19.15 Биржа янгиликлари. 19.30 Туркия телевидениесининг оқшоми. 20.15 «Сомон йўли». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 22.10 «Сомон йўли». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.10 Муаллифлар ойнаижаҳони. «Доира». Бадиий публицистик фильм. 2-серия. 00.10 ТСН. 00.25 Антрактида. Қай тиш нуқтаси». 00.55 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 01.20 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 01.50 «Қироллар ва карам». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

30, чоршанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Тақдир». 9.15 «Олтин куз». «Ёшлик» студиясининг «Кичкинтой видеоканали.

18.10 Болалар учун. «Юлдуз» рақсга тушади. 18.25 «Ёш куч»! жаридаси саҳифаларида. 19.05 «Боғдорчиликка кенг йўл». 19.50 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 20.20 «Сафар таассуротлари». Мусиқий кўрсатув. 21.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Дилдаги гаплар». 22.55 «Малина виноси». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Ўқув кўрсатувлари.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўпламаси. 19.25 «Совға». Телевизион бадиий фильм. 20.00 «Спринт». 20.15 «Юнитех интернэшнл» таништиради». 20.45 Кичик концерт. 21.00 Ўзбекистон Фанлар академияси Энергетика ва автоматика илмгоҳининг 50 йиллигига. 22.10 «Кинонигоҳ».

● МТ—«Орбита IV»

9.35 Мультфильм. 9.55 «Чемпионлар билан биргаликда». 10.10 «Болалар мусиқий клуби». 10.55 «Биродар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 12.45 «Бу мусиқа бўлмаганда эди...». Ҳужжатли фильм. 13.15 «Альбервило томон йўлда». 13.45 Таннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 15.45 «Агар сиз...» 16,30 «Минотавр ҳузурига ташриф». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 17.45 Мультфильм. 17.55 Болалар соати. 18.55 «Ён дафтар». 19.00 ТСН. 19.15 «Планета». 19.45 Шеърият лаҳзалари». 19.55 «Биродар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.10 Д. Хворостовский куйлайди. 22.45 Муаллифлар ойнаижаҳони. «Доира». Бадиий-публицистик фильм. 3-серия. 23.40 «Эски таниш-лар-нинг оилавий хроникаси». Телефильм премьераси. «Маша». 1 ва 2-сериялар. 01.20 ТСН. 01.35 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 02.05 «Қироллар ва карам». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

31, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Урф одатлар ва анъаналар». Кинопрограмма. 9.25 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 10.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

18.10 Мультфильм. 18.25 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Давр ва снёсат». 19.45 «Муссаввир». Манзарали фильм 20.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт. 21.25 Биржа янгиликлари. 21.40 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.55 Дилрабо концерт. 22.35 «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Табиатшунослик. 11.00 «Илк қадам». Кинопрограмма.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 22.10 Экспресс-реклама. 22.20 Биржа янгиликлари. 22.35 «Олқишлар».

● МТ—«Орбита IV»

9.35 Мультфильм. 9.45 Болалар соати. 10.45 «Эски таниш-ларнинг оилавий хроникаси». Телефильм. «Маша». 1ва 2-сериялар. 12.45 ИИВ маълумотларига кўра... 13.00 Беларусь Давлат рақс ансамблининг концерти. 13.45 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 14.50 «Телемикст». 15.45 «Қизиқувчилар олами». 16.00 «Бугун ва ўша пайтда». 16.30 «Минотавр ҳузурига ташриф». Телевизион бадиий фильм. 4-серия. 17.40 «Экология. Жамият. Инсон». 18.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.55 «Ён дафтар». 19.00 ТСН. 19.15 ИИВ маълумотларига кўра... 19.30 «Мальта лочини». Бадиий фильм. 22.10 Эфирда мусиқа. 00.10 ТСН. 00.25 И. Бродский ижодига бағишланган телефильм премьераси. 00.55 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 01.25 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 01.55 «Кречинский тўйи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

1, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм. 9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Келажагимиз — мактабда». 19.50 Амалий давра суҳбати. 20.30 Ўзбек куйларидан концерт. 21.25 «Театр ва замон». 22.05 «Бахтли бўлай десанг...». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

16.55 АШХОБОД КЎРСАТАДИ

● МТ—«Орбита IV»

9.30 Мультфильм. 9.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар» 10.30 Эфирда мусиқа. 12.45 «Конькида хўроз». Фильм-концерт. 13.35 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 14.40 «Биржа». Телебиржа. 15.10 Мультфильм. 15.40 А. Хачатурян М. Лермонтовнинг «Маскарад» драмасига ёзган мусиқасидан сюита. 16.00 «Минотавр ҳузурига ташриф». Телевизион бадиий фильм. 5-серия. 17.10 Мультфильм. 17.40 Гандбол. Халқаро турнир. 18.10 «Қизиқувчилар олами». 18.55 «Ён дафтар». 19.00 ТСН. 19.15 «Шерик» 19.45 «Инсон ва қонун». 20.30 «ВИД» таништиради: Мўъжизалар майдони». 22.10 «ВИД» таништиради. 01.25 ТСН. 01.40 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 02.25 «Кречинский тўйи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

2, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

9.00 «Кўрқувнинг давоси». Бадиий фильм. 10.30 «Ўзбекистон спорти». 11.15 «Камолот сари». Курсия Эсонова, Эркин Қайтаров. 11.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нафосат». 13.00 «Шийпондаги учрашувлар». 14.00 «Китоб ва ҳаёт». 14.30 «Замандас» (қозоқ тилида). 15.30 «Субҳидам»

18.00 Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.50 «Рақслар гулдастаси». 20.30 «Экран таништиради». «Ўлмас мерос» премьераси ҳақида. 21.00 «Ҳафтанома». 22.00 Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг совриндори, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев.

● ЎзТВ II

9.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ—«Орбита IV»

7.00 Мультфильмлар. 7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 Ишбилармон кишининг шанба кунги тонги. 9.00 ТСН. 9.15 «Сиз яратган боғ». 9.45 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 10.15 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 11.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 13.00 Экологик янгиликлар. 13.15 Режиссёр С. Колосов фильмлари. «Жонгинам». 14.40 «Пи белгиси билан» кўрсатуви саҳифаларида. 15.25 «Қизиқувчилар олами». 15.40 «Мусиқа дўкони». 16.10 «Сиз бунга қодирсиз». 16.55 «Дон Жуан». Қўғирчоқ театрининг фильм-спектакли. 18.25 «Ажойиб шаҳар Москва». Олти серияли телефильм. 2-фильм. 18.55 Кўп серияли мультфильм премьераси. 19.20 «Табиб». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 22.20 Футбол. СССР чемпионати. 00.15 «50х50» телетомошалари. 03.45 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати.

3, якшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома».

9.00 Болалар учун. «Биргаликда куйлаймиз». 9.30 «Ўлим билан олишув». Бадиий фильм. 10.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар» видеоканали. 12.55 Араб тили. 13.25 «Дунёни кўргим келади...». 13.55 Дилрабо концерт. 14.35 Инглиз тили. 15.05 «Мерос». Алишер Навоий замондошларининг мактублари. 15.35 «Чорраҳа».

18.00 Мультфильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўйла, изла, топ!». 19.45 «Депутат минбари». Карим Баҳриев. 20.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт. 21.25 «Ижодий учрашувлар». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов. 22.55 «Ёш аёл учун эркак». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

9.00 БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

● МТ—«Орбита IV»

8.30 Спорт ҳамма учун. 9.00 ТСН. 9.20 «Спортлото». 9.35 «Севги иқрори». 9:50 «Эрта саҳарлаб». 10.35 «Ватан хизматида». 11.35 «Тонг юлдузи». 12.35 «Саёҳатчилар клуби». 13.35 «Қишлоқ янгиликлари». 14.35 «Кинопанорама». 15.55 «Веди». 16.40 «Марафон-15». 17.40 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Қайноқ бош» (Индонезия). 17.45 «Халқаро панорама». 18.30 «Уолт Дисней таништиради...». 19.20 «Латифа». Бадиий фильм. 22.10 Дам олиш кўрсатуви. 23.40 «Астра» таништиради. 24.00 Акробатика. Европа чемпионати. 00.30 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 01.20 «Мовий шер». Телевизион бадиий фильм.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

В. И ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

4—5 ноябрь соат 15.00 ва 19.00 да

«РЕГИНА» ҚИЧИҚ КОРХОНАСИ

«дўстлик тароналари» концертини ўтказади

ҚАТНАШАДИЛАР:

«Қизиқчи—90» кўригининг ғолиби

Ҳожибой ТОЖИБОЕВ

ВА

Лирик хушовоз хонанда

Абдурауф ОЛИМОВ

Ўзбекистон халқ артисти

Қизлархон ДЎСТМУҲАММЕДОВА

Чиптали Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

Телефон: 45-92-13.

●

Ўрта Осиё «Гранит» монтаж-технологик бошқармаси

МАЖЛИСЛАР ЗАЛИНИ БАРЧА ЗАРУР ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ВОСИТАЛАР БИЛАН ТЎЛА ЖИҲОЗЛАЙДИ

Йиғилишлар, кенгашлар, мажлислар ва бошқа тадбирлар ўтказиладиган зални акустиқ безаш, нутқларни тўғридан-тўғри таржима қилиш, овоз беришнинг электрон тизимини амалга оширишни талаб қиладиган барча ишлар — лойиҳалашдан тортиб то монтаж ишларини тугатиб беришгача қисқа муддатларда бажарилади.

Манзилимиз: 700107, Тошкент шаҳри, Қирқ-қиз кўчаси, 10-уй.

Телефонлар: 77-35-80, 77-72-52.

●

«УЗБЕКГАЗПРОМСТРОЙ» трестининг ишлаб чиқариш-технологик тўлдириш бошқармаси

ташкилотлар ва хусусий шахсларга қуйидаги материалларни

СОТАДИ:

гипс, 390 тонна, баҳоси 29 сўм 25 тийин.

оҳак, 1000 тонна, баҳоси 32 сўм 20 тийин.

дифферент плиталар, 2400 квадрат метр.

Манзилимиз: Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, 706106, Когон шаҳри, 4-алоқа бўлими.

«Узбекгазпромстрой» трестининг Ишлаб чиқариш-технологик тўлдириш бошқармаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОБ-ҲАВОНИ КУЗАТИШ БОШҚАРМАСИ

фарзандсиз ёки 3 ёшдан 7 ёшгача фарзандлари бўлган ёш оилаларни радио-муҳандислар, бориш қийин бўлган тоғ-метеорология станцияларида ишлаш учун радиооператорларни тайёрлайдиган **қисқа муддатли курсларга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700052, Тошкент шаҳри, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Расмийлаштириш бўлими. Телефон 33-95-98.

Ўзбекистон жумҳурияти Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ КЛИНИКАСИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

муҳандис — электрчи, ҳавони мўътадиллаштириб турувчи муҳандислар, малакали тиббиёт ҳамширалари.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 109-алоқа бўлими, Фаробий кўчаси, 3-уй, (31, 88-автобуслар).

Телефон: 46-85-77.

Тошкент педиатрия тиббиёт олий билимгоҳи ректорати ва умумий жарроҳлик кафедраси жамоаси умумий жарроҳлик кафедрасининг доценти Р. И. Ҳамидовга отаси **Исмоил Ҳамидович ҲАМИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ГУРУНГ

• *Шундай одамлар бор бўлсин*

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ АСЛ МУХЛИСИ

Поп районининг Санг қишлоғида Абдуғафур ака Ниёзов исмли боғбон яшайди. Хокисор. Кўпни кўрган, гаплари жуда бамаъни одам. Бир куни:

— Уйга ўтсангиз, сиз билан маслаҳатлашадиган гап бор эди, — деб қолдилар у киши.

Вақт топиб бордим.

Салом-аликдан кейин уйга кириб кетиб, муқовалари титилиб кетган китоб олиб чиқди ва менга тутқазди. Не кўз билан кўрайки, бу машҳур адибимиз Абдулла Қодирийнинг 1933 йилда нашр этилган «Ўтган кунлар» романи эди. Ҳаяжоним ошиб романни варақлайман. Абдуғафур ака ёрдамида лотин алифбосидаги сўзларни тутилиб ўқиган бўламан. «Абдулла Қодирий. «Ўтган кунлар». Ўзбеклар турмушидан тарихий роман. — 2-босилиши. Ўздавнашр. Тошкент — Боку. 1933 йил».

Савол назари билан Абдуғафур акага тикиламан.

— Бу китобни 56 йил кўз қорачиғидек асрадим, — дейди мезбоним, — қайта-қайта ўқиб баҳра олдим. Буёғи энди ёш ҳам кетиб қоляпти. Энди сизга топширмоқчиман. Хоҳланг музейга беринг, хоҳланг ўзингизда сақланг...

— Китобни қачон, қаердан олгансиз? — сўрайман Абдуғафур акадан.

— Бунинг тарихи узун, — дейди у киши. — 1934 йилда, ўсмирлик пайтларим, Сирдарёнинг нариги бетидаги «Гулбоғ» совхозида ишлардим. Ўша йили совхозимиздаги мактабга қўқонлик бир йигит, исми-шарифи ёдимда йўқ, пионервожатий бўлиб келди. Икки тенгқур дўстлашиб қолдик. Бир куни у «Мен билан уйга юринг, Абдулла Қодирий деган ёзувчининг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» деган китоблари чиққан, шундан олиб қайтасиз», деб қолди. Бордим. Эртасига Қўқон бозорига чиқиб, қўлдан ҳар бир китобни ўша вақтдаги пул билан 30 сўмдан 60 сўмга сотиб олдик. «Меҳробдан чаён» қишлоққа кўчиб ўтаётганимизда йўқолди. Бу китоб эса узоқ йиллардан бери менга ҳамроҳ. Бошқа китобларни бир марта ўқисангиз, қайта ўқигингиз келмай қолади. Бу эса... бошқача. Ўқиган сарингиз яна ўқисам, дейсиз. Бундан ташқари китобнинг кейинги чоп этилган нусхаларида баъзи жойлари қисқартириб ҳам юборилган.

— 1937 йилда Абдулла Қодирий кўпгина ўзбек зиёлилари қаторида қатағонга учраган ва отувга ҳукм қилинган. Ўша йиллари ёзувчи асарларини асраш, ўқиш ҳам жиноят ҳисобланган, дейишади...

— Фикрингизга тушундим. Ҳали айтганингиздек, бу китоб менинг энг яхши дўстимга, доимий ҳамроҳимга айланиб қолган эди. Уни бир ўзим мутолаа қилардим. 1938 йилда ҳарбий хизматга чақирилдим. Ўшандаям китобни авайлаб сандиққа жойлаб кетганман. Хизматни ўтаб бўлишимизда бирдан уруш бошланди. Қирғин-баротдан 1945 йилда қайтдим. Ишонсангиз, ўшанда уйдагилар билан кўришиб бўлибоқ сандиқни очишга шошганман. Китоб ўз қўлим билан қўйган жойимда турганлигини кўриб ўзимда йўқ қувониб кетганман.

— Айтингчи, Абдулла Қодирийни миллатчи сифатида айблашган. Унинг сиз қўлдан қўймай ўқийдиган шу асарида миллатчилик аломатлари борми?

— Асло. Миллатчилик нима қилсин? Мана қаранг, китобнинг бош қисмида ёзувчи нима дейди, — Абдуғафур ака шундай деди-ю, кўзойнагини тақиб китобнинг Абдулла Қодирий сурати берилган варағидан кейинги саҳифасини очиб ўқий бошлайди: «Ёзувчидан. Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашишимиз ва шунга ўхшаш достончилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгиришга, халқимизни шу замоннинг Тоҳир-Зуҳролари, Чордарвешлари, Фарҳод-Ширинлари ва Баҳромгўрлари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз».

Китобни қўлтиқлаб ташқарига чиқдик. Абдуғафур ака мени кўча эшиккача кузатиб қўяркан:

— Китобни сизга топшириб анча енгил тортдим — деди.

— Хотиржам бўлинг. Бу китобни Қодирий музейига топширамиз ва сиз уни 56 йил гард юқтирмай, бирор варағини ҳам камитмай сақлаганингизни ҳам қайд этгизиб қўямиз, — дейман хайрлашаётиб.

— Буёғи ўзларига ҳавола, — дейди Абдуғафур ака.

О. НОМОЗОВ,
«Поп тонги» рўзномаси муҳаррири ўринбосари, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.





● Халқимиз қадим-қадимдан дорбозлар, тош кўтарувчилар, аскиячилару масхарабозларнинг чиқишларини зўр ҳаяжон ила томоша қилади.

Штатсиз суратқаш мухбир Р. АЛЬБЕКОВ олган бу лавҳаларда гулистонлик Анваржон МУЙДИНОВ бошчилигидаги халқ санъаткорларининг чиқишлари тасвирланган.

• *Мақуллаймиз*

АЙНИ МУДДАО

Ўзбекистон мустақил республика, деб эълон қилинганидан, ҳар йили 1 сентябрь куни бу сана байрам сифатида нишонланадиган кун, деб белгиланганлиги айни муддао бўлди.

Мустақиллик ҳалол ва виждонан меҳнат қилингандагина мустаҳкам оёққа туради, энди кўл қовуштириб ўтирадиган вақтлар ўтиб кетди.

Бундан буён чинакам эркин ва барқарор яхши турмушга эришиш учун ҳаётимизда учраб келаётган порахўрлар, ўғрилар, рэкетерлар, фирибгарлар илдизини қирқиб ташлаш мақсадида чинакам кураш олиб бормоқ керак. Ана ўшандагина ҳақиқий демократияга эришган бўламиз.

Т. РАҲИМЖОНОВ,
Уруш ва меҳнат фахрийси, 1-гуруҳ ногирони. Тошкент шаҳри.

• *Акс-садо*

«РЎЗҒОР ЮРИТИШ СИРЛАРИ»

Рўзномамизнинг шу йил 24 август сонида шундай сарлавҳали мақола босилган эди. Унда оила иқтисодини тежамли юритиш, кирим-чиқим ва сарф-харажатларни ҳисоб-китоб қилишдек муаммолар ҳақида фикр юритилганди. Мақола кўпчилик муштарийларда қизиқиш уйғотди. Қуйида шу мақола ва унда тилга олинган масалалар ҳақидаги турлича фикрлар билан танишасиз.

СОЧНИ ОҚАРТИРГАН МАСАЛА

Мен 1966 йилдан буён оила ҳисоб-китоби, оила тебратиш, оила бюджети ҳақида ўйлайвериб сочларим оқариб кетди. Тўғри, бизнинг республикада ҳам ўз оиласи ҳисоб-китобини жуда ўринли юритадиган хонадон соҳиблари кўплаб топилади. Айниқса, уларнинг оила иқтисодини тежамли юритиш, рўзғор сарф-харажатларини оила даромадига мос олиб бориш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини рўзномада ёритиб бориш бозор иқтисоди шароитида фойдадан холи эмас.

Шунингдек, яхши урф-одатимиз — тўй ҳам озмунча сарф-харажат талаб қилмайди, дейсизми? Ўғил уйлантириб, қиз чиқариш осон эмас. Тўйнинг тўкинлигидан тортиб, томошаси, тантанасигача аввало оиладаги тежам ҳисобидан вужудга келади. Албатта, унинг ортиқча харажатларсиз, исрофгарчиликсиз ўтиши ҳар бир рўзғорнинг бюджети учун аҳамиятли.

Яқинда мен қизимни турмушга чиқардим. Тўйнинг барча расм-русумларини бир кунда ўтказишга эришдик. Бунга нафақат оиламиз ҳиссаси, балки маҳалладошлар кўмаги билан эришдик.

Хуллас, мақолада айтилган «Ўзинг бажар», «Хонадон соҳибига рўзғор юритишнинг айрим сирлари» ва айниқса, «Рўзғор буюмлари хизмат муддатини қандай узайтириш мумкин» сингари маслаҳатларнинг рўзномада ёритилиши тарафдориман.

Т. ҲАМЗАЕВ,
Чортоқ райони.

УЙ БЕКАСИГА БОҒЛИҚ

«Рўзғор юритиш сирлари» номли мақола шу жиҳатдан диққатимни тортдики, унда кўтарилган мавзу долзарбдир. Назаримда, рўзғор юритиш сир-асрорини нафақат рўзғор юритиш бошига тушган кишиларга, балки бунга ҳозирлик кўраётган йигит-қизларга ҳам ўргатишимиз керак. Шунда янги қурилаётган рўзғор пойдевори янада пишиқлашади.

Зеро, бизнинг республикамиз шароитида рўзғор тўкинсочинлиги кўпроқ аёлга — уй бекасига боғлиқ. Оила мулкини тежамли сарфлаш, рўзғор буюмларини асраб-авайлаб ишлатишда ҳам бека маҳоратига суянилади-ку. Шу боис халқимизнинг «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам», деган доно мақоли замирида аёлнинг оқилалик, тадбиркорлик ва тежамкорлик каби хислату-фазилатлари таъкид этилганини унутмаслигимиз лозим.

Қолаверса, яна шуни ҳам айтмоқчи эдимки, ота-оналар бола тарбияси жараёнида ўз фарзандларини жуда ёшлигиданоқ рўзғор юмушлари, ҳисоб-китоб, тежамкорлик, пулни ўрнида ва керакли нарсаларга сарфлаш кабилардан мунтазам воқиф қилиб боришлари керак.

И. ЭГАМОВ,
Дўстлик райони.

МАСАЛЛИҚ БЎЛМАГАЧ...

«Рўзғор юритиш сирлари» деган мақолани эълон қилибсизлар. Бундай гапларни 74 йилдан бери эшитавериб ҳисобдон бўлиб кетганмиз. Аввало ҳисоблашга бирор нарса бўлиши керак-да, ахир. Ўша нарса тортиб олинган бўлса, нимани ҳисоблаймиз? Масаллиқ бўлмаса, қуруқ ҳисоб-китоб билан қозон қайнамайди-ку. Дастлаб ейишга овқат, кийишга кийим, турарга уйимиз бўлса, ҳисобдон бўлиш учун Фадеевга ўхшаган насиҳатгўйларнинг биз учун ҳожати йўқ.

Р. ЭШОНҚУЛОВ,
меҳнат, фирқа фахрийси. Коғон шаҳри.

ТЎЙ-МАЪРАКА ҲИСОБГА ОЛИНМАБДИ

Бизда хўжаликларни, корхонаю ташкилотни, району вилоятни, жумҳурияту Иттифоқни бошқариш ҳақида кўплаб мақолалар том-том китоблар мавжуд. Аммо жамиятнинг ўзаги саналмиш оилани бошқариш, рўзғорни тежамли юритиш, айниқса, уни иқтисодий жиҳатдан тебратиш хусусида деярли ёзилмаган, десак ҳам хато бўлмайди. Шу жиҳатдан қараганда, «Рўзғор юритиш сирлари» номли мақоланинг рўзномада эълон қилинишини жуда ўринли, деб биламан. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитини ҳисобга оладиган бўлсак, у айни ўз вақтида берилгандир.

Қолаверса, узоқ Тольятти шаҳрилик бир муштарий Ўзбекистондаги рўзномага қизиқиб, аҳамиятли масала хусусида мақола йўллаганлиги қувонарлидир. У ўзининг кўп йиллик тажрибаси асосида рўзғор тебратиш жўн иш эмас, балки ўта масъулиятли юмуш эканлигини таъкидлаб, бу ҳақда атрофлича фикр юритган. Ахир ўзимиз ҳам шу рўзғоримиз учун кунни кун демай, эртаю кеч меҳнат қиламизу, бироқ топганимизни кўпинча ўз ўрнида ишлата олмаймиз. Оқибатда тежамсизлигимиздан, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйганимиздан куйиниб юрамиз. Мақолада эса худди шундай афсусланишларга чек қўйиш йўли — рўзғор дафтарчаси тутиш ҳақида таклиф бор. Шунингдек, мақола муаллифи бошқа минтақада истиқомат қилувчи киши бўлгани учун ҳам, табиийки, бизнинг урф-одатларимиз, маросимларимиз ҳақида фикр юрита олмаган.

Ш. ЮНУСОВ,
муҳандис.
Тошкент шаҳри.

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз илгари таъкидлаганимиздек, ушбу мақолани унда кўтарилган мавзунинг долзарблиги учун берган эдик. Шу боис мақола юзасидан келаётган хатлардаги турли фикр-мулоҳазаларни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилдик.

Бироқ айрим муштарийларнинг номаларида мақола мавзуси билан эмас, балки ушбу мавзуда фикр юритган муаллифга қўшилмаслик сезилади. Тўғри, уларни ҳам тушуниш керак. Бироқ шукурки, республикамиз мустақил бўлди. Энди қуруқ ҳисоб-китобга ҳожат қолмайди. Балки аксинча, чуқур ҳисобдонлик, билимдонлик зарур бўлади. Чунки яйловларимиздаги қўйлар бизники, ҳисобини топсак — гўшти масаллиқ, жуни уст-бош. Чамандай очилган пахта бизники, иложини тополсак, у бизга кийим-кечак, озиқ-овқат. Ўзбекистон тупроғи бизники, Яратувчи бўлсак — у бизга яхши бошпана, макон. Буларнинг барчасидан оқилона фойдаланмоқ учун эса нафақат тежамкорлик, балки тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳам зарурдир. Бундай соҳибкорлик, омилкорликни эса аввало ўз хонадонимизда, оиламизда барқарор қилишни уддалашимиз лозимдир. Зеро, «Рўзғор — ғор», деб бежиз айтмаган халқимиз. Шундай экан, оила дафтари тутиб, оила бюджетини белгилаш, ҳисоб-китоби (бухгалтерияси)ни юритиш, хонадонимизнинг ҳафталик, ойлик, йиллик сарф харажатларини тартибга солиб бориш фойдали юмушдир.

• *СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ*

ЮРИШДА ҲАМ ЮРИШ БОР

• 64 КАТАК СЕҲРИ

— Гўзаллик деганда, ҳиссиёт ва онгда одамлардаги ижод қобилиятлари қаршисида ҳайрат, ифтихор ва севинч туйғуси ярата олувчи кучдек таъсир кўрсатадиган турлича материал, шунингдек, оҳанг, ранг, сўзлар бирикмасидан иборат нарса тушунилади, — деган эди алломалардан бири.

Шахмат санъатида ҳам худди шундай: ажиб партия яратилишига олиб борувчи юриш ҳамда чапдастлик, маҳорат уйғунлашуви бизда шахматчи ижодий даҳосидан, унинг комбинацияларни топиш қобилиятидан ҳайратланиш ва ҳаяжонланиш туйғусини пайдо қилади.

Ушбу диаграммада акс эттирилган ҳолат ўтган асрнинг зўр шахматчилари Стейниц билан Барделевен ўртасидаги учрашувда (1895) қораларнинг 20 юришидан сўнг вужудга келган.



Шу ерда оқ доналарни сурган биринчи расмий жаҳон чемпиони В. Стейниц ажойиб комбинация бошлайди: 21. Кg5+Крe8 22. Л:e7+! Кр+8! 23. Лf7+Крg8 24. Лg7+Крh8 25. Л:h7+!

Қоралар таслим, чунки яна 10 юришдан кейин мот бўларди.

Мана ўша йўл:

25...Кg8 26 Лg7+Крh8 (26... Кf8 бўлса, 27. Кh7+Кр:g7. 28. Ф:a7+ ва ютуқ)

7. Фh4+Крg7 28. Фh7+Крf8 27. Фh4+Кр:g7 28. Фh7+Крf8 31. Фg8+Крe7. 32. Фf7+Крa8. 33. Фf8+Фe8.

34. Кf7+Крd7 35. Фd6 мот. Изчилликни қаранг-а!



Буниси — вазифа

Шарти: Оқлар бошлаб икки юришда мот қилади.

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

● Таҳририятимизга йўлланаётган хатларга қараганда муштарийлар шахмат масалаларини ечишга қизиқишмоқда. Ҳозирча ишқибозлардан андижонлик О. Иброҳимов, ёзёвонлик А. Арапов, тошкентлик С. Худойбердиев, ўшлик К. Расулжоновлар вазифаларни тўғри ечишгани маълум бўлди.

ҲЕЧ ЕНГИЛМАЙ

● ТОШКЕНТДА шахмат бўйича «Олтин куз» фестивали ўтказилди. Дона суриш баҳсларида мезбонлар қатори Қозоғистон, Санк-Петербург, Тюмендан келган меҳмонлар ҳам ўзаро куч синашдилар. Соврин учун кураша қарийб 60 нафар шахматчи иштирок этди. Гулистонлик Н. Маслаев маҳорат кўрсатди. У барча учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, 9 имкониятдан 8,5 очко тўплади. Гулистонлик бу шахматчига бош соврин топширилди.

МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАБ

● ИККИНЧИ лиганинг Ўрта Осиё минтақасига киритилган футбол жамоалари мавсумни муваффақиятли якунлашга ҳаракат қилишмоқда. Ҳозирча Тошкентнинг «Трактор» ва «Умид» жамоалари ўртасида биринчилик учун кураш давом этиб турибди. Тракторчилар Ашхободнинг «Аҳал» майдонида ғалаба (1:0) қозонган бўлишса, «Умид» футболчилари «Наврўз» жамоасини қабул қилиб, иккита жавобсиз тўп киритдилар. Шунингдек, «Нефтчи», «Марв», «Марқанд», «Янгиер», «Шаҳрихончи», «Бағдодчи» жамоалари ҳам ўз ҳисобларига иккитадан очко ёзишди.

• МАСАЛЛАР

ҚЎРҚОҚ ҚУЁН

Шер айтиб турар унга ҳамиша:
— Қуён, уни қил!
— Қуён, буни қил!
Юрак йўқ унда зарур бир ишга
Қўл уришга
Мустақил.

ТУЛКИНИНГ ЖАВОБИ

Тулкига бир Айиқ берибди савол:
— Нимага ишларинг эгри-ю бугри!
Шунда Тулки дебди: — Ўйлаб кўр аввал,
Ўзинг қимнинг ишин дер эдинг тўғри!
Жаҳли чиқиб Айиқ айтар шу маҳал:
— Ўзи эгрининг кўнгли ҳам эгри!

МАҚТОВ МАЪҚУЛ

Ғоз ишининг бўлиб муҳокамаси,
Жуда қизиб кетди мунозараси.
Олдин мақтаб ўтишди дуруст ишин,
Кейин танқид қилишди гердайишин,
Тинглар экан, ён дафтарин варақлаб Ғоз
Маъқул топиб мақтов гапин ёзди, холос!

НОЎРИН ГАП

Ҳар кимларга валақларди Ипак қурт:
«Мендан либос кияр бутун элу юрт!»
Бироқ, ўзи билмас, асли бошқа иш:
Эл-юрт уни боқиб, қилган парвариш.

БОҚИБЕҒАМ

Бошлиғи Тошбақага
Келиб беш-ўн Чумоли
Айтишди арзи-ҳолин:
— Ўғри Сичқон инимиздан
Ўмарди дон-дунимиз,
Чорасини кўрингиз!..
Тошбақа қилмай парво
Дерди: — Бас, бир гап бўлар, —
Ёз чоғи ўрин тўлар!

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ.



● Касбга меҳр уйғотиб.
(Республика пойтахтидаги темир йўл техникаси музейида. Музей ходими А. БЕЗРОДНОВ ўқувчилар даврасида).

Р. ШАМСУТДИНОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

АРЗНОМАЛАР, ҲАНГОМАЛАР

...ҲАЙРОНМАН

Мен жуда кўп ташкилотларга арз қилдим. Натижа чиқмаяпти. Ниҳоят, сизларга мурожаат қилмоқдаман. Охирги умидим сизлардан.

...1973 йилда Нарпай районидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалиги аъзолигига қабул қилинганман. 1976 йилгача колхозчи бўлиб ишладим. 1976—1980 йилларда Тошкент давлат педагогика институтининг мактабгача тарбия факультетида ўқидим. Олий маълумотли мутахассис бўлганим учун «Иттифоқ» жамоа хўжалиги бошқаруви ҳайъати ўзининг 1981 йил 11 мартдаги 10-сон қарори билан мени «Шодлик» болалар боғчаси мудирлигига тайинлади. 1990 йилнинг 14 майигача бу вазифани адо этиб келдим. Афсуски, жамоа бошқаруви 15 май куни менинг иштирокимсиз ноҳақ ишдан бўшатди. Юқори ташкилотларга мурожаат эта бошладим.

1990 йил 21 сентябрь куни район касаба уюшмаси комитети ўз вазифамга тиклади. Жамоа раҳбарлари буни инобатга олишмади. Кейин судга арз қилдим. Иш 1991 йил 3 апрелда Нарпай район халқ судида кўрилиб, менинг ҳақ эканлигим яна исботланди. Негадир жамоа бошқаруви суд қарорини бажармади.

Иш Самарқанд область судига ўтди. 1991 йил 15 август куни менинг даъво аризам бўйича область суди аъзоси А. Қобилов раислигида Нарпайда очиқ суд мажлиси бўлиб ўтиб, қарор қабул қилинди. Унда, жумладан, бундай дейилган:

«Даъвогар Рустамова Гулчеҳранинг «Иттифоқ» жамоа хўжалигига бўлган ишга тиклаш ва иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъвоси қаноатлантирилсин, 1990 йил 15 майдан бошлаб «Шодлик» болалар боғчасига мудиралик лавозимига қайта тиклансин.

Рустамова Гулчеҳранинг фойдасига «Иттифоқ» жамоа хўжалиги ҳисобидан 14 ой 10 кун мажбурий бекор юрган вақти учун 1990 йил 5 июндан 1991 йил 15 августгача ҳар ойига 150 сўмдан жами бўлиб 1293 сўм ундирилсин.

Қарорнинг Рустамова Гулчеҳрани ишга тиклаш қисми тезлик билан ижро этилсин».

1991 йилнинг 26 августида кучга кирган область суди қарори ҳамон бажарилмай келинмоқда.

Г. РУСТАМОВА.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БУЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.50.
№ 208.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.